Куч — адолатда

2014 йил
13 июнь,
жума
№ 24 (485)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мустақилликнинг илк йилларидан жаҳон бозорига чиқиш учун энг ишончли ва қулай транспорт инфратузилмасини яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган. Тарихан қисқа даврда қуриб битказилган халқаро аҳамиятдаги йўллар, кўприклар Ватанимизнинг иқтисодий ва маданий муносабатлари ривожини таъминлашда, халқимизнинг узоғини яқин қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳар йили ўртача 220-270 километр йўл янгидан қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Автомобиль йўлларини такомиллаштириш орқали йўлларнинг қуйи техник тоифадан юқори техник тоифага ўтказилиши транспорт оқимига хизмат кўрсатиш даражасини муттасил ошираётир.

ОБОД ЙЎЛЛАР ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ

Йўл солиш, кўприк қуриш энг савобли ва хайрли амаллардан биридир. Юртимизда бундай ишларнинг кўлами кенг. Устюртда барпо этилган Европа билан Осиёни боғловчи трасса ҳам бизнинг бу соҳада ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг ва кам бўлмаслигимизнинг яна бир исботидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун барча шаҳарларимизда минглаб километр узунликдаги кенг ва равон йўллар, улкан кўприклар, йўл ўтказгичлар барпо этилди. Қишлоғу овулларнинг чанг кўчалари ораста асфальт йўлларга айланди.

Ўтган йиллар давомида қурилиб фойдаланишга топширилган 175 кўприк, 19 йўл ўтказгич каби транспорт боғламалари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Цементбетон ва асфальт-бетон қопламали йўллар узунлиги 22

минг 639 километрга етди. Автомобиль йўлларининг тоғли ҳудудлардан ўтадиган қисмида йўлсозларимиз бешта довон йўлини бунёд этди.

Ҳозир юртимиздаги автомобиль йўллари узунлиги 184 минг километрни ташкил этади. Шундан 42 минг 654 километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўлиб, унинг 2 минг 755 километри Ўзбек миллий автомагистрали тармоғидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий автомагистраль таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг жадал амалга оширилаётгани халқаро, транзит ва республика ичида юклар ва йўловчиларни йил давомида бир маромда ташишни янада сифатли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори йўл инфратузилмаси ҳамда сервисини такомиллаштиришда дастурилама бўлмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинмоқда.

Qonun ijodkorligi

Инсонпарварлик тамойили

унинг қонуний асослари янада мустаҳкамланмоқда

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз миллий қонунчилик базасини инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

Farmon va ijro

Қулай ишбилармонлик муҳити – тараққиёт асоси

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Натижада юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин тутаётир.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Уларнинг молия-хўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди. Шунингдек, ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан юртимизда 2014-2015 йилларда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Шунингдек, 2014 йилнинг 1 июнидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чоралари қўллаш тақиқланди.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар улар расман чоп этилган кундан бошлаб, уч ойдан сўнг кучга киритилади.

(Давоми учинчи бетда)

2014-yil — Sog`lom bola yili

Меҳр оғушидаги болалар

Соғлом ва баркамол авлод — мамлакат келажаги. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёш авлодни кенг дунёқарашли, теран фикрли, жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда оила, она ва бола манфаатларини ҳимоялаш, ёш авлодга тўлақонли таълим-тарбия бериш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани бунга кенг йўл очаётир.



Бу борада зарур кафолатлар яратилгани, жумладан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлар қабул қилингани навқирон авлоднинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида камол топиши, ижодий-интеллектуал салоҳияти юксалиши ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда барпо этилаётган таълим, спорт-соғломлаштириш масканлари, болалар ижодиёти марказлари, маданий-маърифий муассасалар ўғил-қизларнинг беғубор орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга имкон бермоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, эркин бозор иқтисодиёти шароитида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган олди-сотди, товар айирбошлаш, маҳсулот етказиб бериш, мол-мулкни ижарага топшириш каби муносабатлар шартнома ва битимлар асосида тартибга солинади.

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

тарафларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

Албатта, шартнома шартларига қатъий риоя этиш турли хил қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишга ва тарафларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Айтиш жоизки, шартнома — икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувидир. Шартномалар икки тарафлама ёки кўп тарафлама бўлиши мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шартномавий муносабатларга киришиш ёки киришмаслик, ўзлари учун ҳамкор шерикларни эркин танлаш имкониятига эгадир.

Фуқаролик кодексига мувофиқ, шартнома имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради ва тарафлар учун мажбурий аҳамият касб этади. Бинобарин, Фуқаролик кодексининг 384-моддаси талабига кўра, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va mas`uliyat

Солиқ мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва миллий тараққиётга эришишнинг асосий омили экани амалда ўз исботини топмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Зотан, ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ортиб бормоқда, шунингдек, истеъмол бозорига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар ғоятда муҳим ўрин тутмоқда.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиб бериш ҳамда уларнинг ҳуқуқий эркинликларини таъминлашда солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Табиий захиралар

уларга нисбатан эгалик ҳуқуқини бузиш жавобгарликка сабаб бўлади

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ва бу борада барқарор ривожланишга эришиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик қонунчилик ижросини таъминлаш изчил йўлга қўйилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

— Оилада тўрт нафар фарзандмиз. Онам оламдан ўтгач, отам иккинчи марта уйланди. Ўгай онамизнинг биринчи турмушидан битта қизи бўлган. Кўп ўтмай отам ҳам, ўгай онам ҳам оламдан ўтди. Отамдан қолган уйда укам оиласи билан истиқомат қиладди. Аммо ўгай онамнинг қизи ҳам оламдан ўтгач, унинг қизи, яъни ўгай онамнинг набираси ҳозирда укам яшаб турган ҳовлини сотиб, улушини беришни талаб қилаяпти. Айтинг-чи, у мерос талаб қилишга ҳақлими?

Наргиза КАМОЛОВА,
Миробод тумани



— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу ҳолатда, агар отангиз ўгай онангиз билан никоҳлари қонуний расмийлаштирилган бўлса, ўгай онангиз ҳам ундан қолган мерос мулкка меросхўр ҳисобланади ва у меросни қабул қилишга улгурмай вафот этган бўлса, унинг қизи, Фуқаролик кодексининг 1140[1]-моддасига асосан, меросхўр ҳисобланади. Ўз навбатида, унга тегиши лозим бўлган улушга унинг қизи шу асосда меросхўр бўлади ва меросдан ўз улушини талаб қилишга ҳақли. Бундан ташқари мазкур кодекснинг 1150-моддаси иккинчи қисмига кўра, меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра, ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.

— Айтинг-чи, кўп қаватли тураржойларнинг ҳовлисидаги болалар майдончасидан автомашиналарнинг тўхташ жойи сифатида фойдаланиш мумкинми?

Раъно ИСМОИЛОВА,
Мирзо Улуғбек тумани

— Йўқ, мумкин эмас. 1994 йил 28 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилиши муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра, уй атрофидаги ерларни ҳар хил ғовлар билан ўраб олиш, полиз экинлари экиш, боғ, автомашиналар ва бошқа транспорт воситаларини ювиш жойини барпо этиш, бензин ва мой тўкиш, сигналлар, тормозлар ва двигателларни созлаш тақиқланади. Шунингдек, ижарага берувчи, ижарага қўювчи ва уй-жойнинг эгаси уй атрофидаги ерларни тегишли санитария тартибида сақлашлари шарт.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрдаги "Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, болалар майдончаси аҳоли яшаш пунктларининг марказий қисмларида, уйлардан узоқ бўлмаган масофада, иложи борича кенгроқ, очиқроқ жойда ташкил этилиши керак. Улар учун танланадиган жой автомобиллар қатнайдиган йўлдан ва автомобиллар тўхташ жойидан узоқда бўлиши шарт, танланган жойда канализация люклари бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим. Агар танланган жойда дарахтлар бўлса, уларнинг соясидан унумли фойдаланиш керак. Танланган жойнинг юза қисми иложи борича текис бўлишига эришиш зарур. Майдончанинг муайян қисми ёки тўлиқ равишда махсус қоплама билан қопланиши ҳам мумкин.

— Аҳолига коммунал хизмати кўрсатадиган ташкилотлар, агар ушбу хизматларга олдиндан бир йил учун ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, тарифларнинг ошганлиги муносабати билан истеъмолчидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширишни талаб қилиши мумкинми?

Нурхон ҚОСИМОВА,
Зангиота тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар тарифлар ошганлиги муносабати билан 12 ойдан кўп бўлмаган давр учун олдиндан тўланган суммани қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳақли эмас.

Бу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги "Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 178-сонли қарори 7-бандида кўрсатиб ўтилган.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Обод йўллар тараққиёт тимсоли

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган Дастурга кўра, мамлакатимизда 2011-2015 йиллар мобайнида Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи 2 минг 306 километр узунликдаги йўллар халқаро меъёр ва замонавий талаблар асосида янгидан қурилиши ва реконструкция қилиниши белгиланган. Унинг 1 минг 410 километри тўрт тасмали, 288 километри эса, икки тасмали қилиб, цемент-бетон ва асфальтбетон қопламаси асосида бунёд этилади. Шунингдек, магистраль бўйлаб кўплаб кўприк ва йўл ўтказгичлар, транспорт боғланмалари мажмуи барпо этиш кўзда тутилган.

Қурилаётган йўл объектларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини англаш учун, мисол тариқасида, 2013 йилда қуриб фойдаланишга топширилган биргина А-373 трассасидаги "Қўқон шаҳрини айланиб ўтиш" автомобиль йўлини олиб кўрадиган бўлсак, ушбу лойиҳа туфайли "Тошкент — Ўш" йўналиши 12 километрга қисқариб, асосий транспорт оқимининг Қўқон шаҳри, шунингдек, Данғара, Учкўприк, Бувайда туманлари марказларларига кирмасдан ўтиши таъминланди.

Қолаверса, бу йўлдан бир кунда 7 мингдан ортиқ транспорт воситаси ҳаракатланишини инобатга олсак, оддий ҳисоб-китобга кўра, 12 километр қисқарган йўл ҳисобига ҳар бир улов 1 литрдан ёнилғи тежади деб қараганимизда кунига 7 минг литр, яъни камида 14 миллион сўм маблағ тежалади. Бу эса, ушбу йўл биргина ёнилғи сарфи қисқариши эвазига 5-6 йилда ўзини оқлашидан далолатдир. Ваҳоланки, ҳали биз мазкур янги йўл ишга тушиши эвазига йўловчи ва ҳайдовчиларнинг иш вақти ҳамда бошқа харажатларнинг тежалишини, юкларнинг манзилга тезроқ етказиб берилиши ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиётига келтирилаётган фойдани ҳисоблаб чиққанимиз йўқ.

Дастурга асосан, жорий йилда ҳам олтмишдан зиёд объектда 534 километр узунликдаги асфальт-бетон ва цемент-бетон қопламали автомобиль йўлларида қурилиш-реконструкция ишларини амалга ошириб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бунда, жумладан, Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи йўлларнинг 503 километри реконструкция қилинади. Мисол учун "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнау" автомобиль йўлининг 116 километр қисмида, "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг Қамчиқ довонидан ўтувчи 100 километр қисмида ана шундай қайта қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Шу ўринда айтиш керакки, аввалги пайтда йўлларнинг кўтариш қуввати автотранспорт воситасининг битта ўқига 10 тонна оғирлик тушишига мўлжаллаб қурилган бўлса, Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи янги қурилаётган 896 километрлик автомобиль йўлларининг қопламалари ва геометрик ўлчамлари ушбу кўрсаткични 13 тонналик меъёрга чиқаришга мослаштирилади.

— 2014 йил инвестиция дастури асосида "Ўзавтойўл" компанияси таркибидаги пудратчи корхоналар томонидан 257 километр йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 503,4 млрд. сўмлик шартномалар тузилиб, ишлар давом эттирилмоқда, — дейди компаниянинг қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Зиёвуддин Умаров. — Энг катта қурилиш-таъмирлаш ишлари М-39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз", А-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнау", А-373 "Тошкент-Ўш", М-37 "Самарқанд-Ашхабод-Туркманбоши" халқаро автомобиль йўлларида амалга оширилади. Шу мақсадда тизимдаги корхоналар учун тўрт юз қирқдан ортиқ замонавий техника ва механизмлар харид қилиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Йўл қурилиши билан боғлиқ бундай кенг кўламли ишлар туфайли 2014 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, "Ўзавтойўл" тизимида иш ўрни 1 минг 267 тага ўсди.

Умумий фойдаланишдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларида жорий йилнинг биринчи чорагида сақлаш ва жорий таъмирлаш бўйича 118 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди. Жумладан, автомобиль йўллари ҳолатини сақлаш бўйича 49,8 миллиард, йўллар атофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига 1,3 миллиард, автомобиль йўлларини жорий таъмирлашга эса 52,8 миллиард сўм сарфланди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан автомобиль йўлларимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда зарур бўлган 2 минг 207 дона йўл белгилари ўрнатилди, қарийб олти минг дона эскирган йўл белгилари алмаштирилди, 161 дона кўприкда, 748 дона қувурда ҳаракат хавфсизлиги таъминланди, 374 жойда пиёдалар ўтиш жойи белгиланди, 111 йўл туташмалари ободонлаштирилди.

Йўл ҳам доимий қаровга, эътиборга, парваришга муҳтож. 2013 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ва унинг таркибидаги сунъий иншоатларда табиий офат туфайли юзага келган турли даражадаги бузилишларни тиклаш учун қарийб олтмишта объектда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ҳозирда қирқдан зиёд объектда рўйхатлар шакллантирилиб, йўл жамғармасининг заҳира маблағлари ҳисобидан объектларда қурилиш-монтаж ишлари режа асосида давом эттирилмоқда. Кенг ва равон йўллар юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Компания тизимидаги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Қўйлиқ кўприклар, темирбетон қурилмалар тажриба заводида 30,1 минг тонна йиғма темирбетон конструкциялари ва жиҳозлари, асфальтбетон ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Тошвилйўлсаноат" саноат корхонасида 4,1 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди ва буюртмачиларга етказиб берилди. 2015 йилгача компанияга қарашли 24 та корхонанинг ишлаб чиқариш ва саноат базаларини модернизация қилиш режалаштирилган бўлиб, бу кўплаб янги иш ўринлари яратишга, тармоқни жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1446-сон қарорига асосан компанияга қарашли корхоналар иш сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 444 энг замонавий йўл қуриш ва сақлаш техникаси билан таъминланиши кўзда тутилган, — дейди Компаниянинг Автомобиль йўлларидан фойдаланишни транспорт ва механизация ҳамда техник таъминлаш бошқармаси бош мутахассиси Отаназар Жуманиёзов. — Соатига 100 тонна асфальт-бетон қоришмаси ишлаб чиқарувчи ускуналар, зичлагичлар, металлга ишлов берадиган ва айланма барабанли машиналар, автогрейдер, экскаватор ҳамда автогудронаторлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига кирадиган цемент-бетон қопламали 474 километрлик автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармоялар ҳам кенг жалб этилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Бу, табиийки, юртимизда йўл қурилиши соҳасида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларининг изчил давом этишига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Бундан ташқари кейинги йилларда Компания таркибига кирувчи корхоналар томонидан маҳаллий аҳамиятга эга ички хўжалик йўлларини қуриш ва ободонлаштириш бўйича 143 миллиард сўмлик иш бажарилиши режалаштирилмоқда.

Айни пайтда йўл ёқаларида автомобилларни ёнилғи билан таъминловчи шохобчалар, транспорт воситаларига газ қуйиш станциялари, авария-чақирув ва тиббий тез ёрдам хизмати пунктлари, автомобилларнинг тўхташ майдончалари, автотуристлар учун меҳмонхонали лагерлар, меҳмонхоналар ҳамда туризмнинг барча талаб ва шароитларига эга уч юзга яқин объект қурилди. Бу йўл инфратузилмаси ва сервисини янада ривожлантиришда, юртимизга келаётган сайёҳларнинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

Зиёда ВОҲИДОВА

Mezon

Табиий захиралар

уларга нисбатан эгалик ҳуқуқини бузиш жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бош Қомусимизнинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир" дея қайд этилган.

Шу асосда Ер кодекси, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг амалга жорий этилгани табиатни асраб-авайлашда муҳим омил бўлаётир.

Айтиш керакки, ердан, ер ости бойликларидан, сув, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, уларга нисбатан эгалик ҳуқуқини бузиш жавобгарликка сабаб бўлади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддасига кўра, табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса, ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар асосида давом эттирадиган бўлсак, "Маҳмуд Мансуров" фермер хўжалиги раиси Ю.Мансуров табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиб, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддаси талабига зид иш тутган. У қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерлардаги 42 туп дарахтини ўзбошимчалик билан кесиб олган.

Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари Ю.Мансуровнинг ғайриқонуний ҳаракатини аниқлаб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришган. Судда ҳуқуқбузар тариқасида сўралган Ю.Мансуров ўзининг ҳуқуқбузарлик ҳаракатига иқрор бўлди. У қилган иши қонунга хилоф эканлигини тушуниб етмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Суд Ю.Мансуровни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси билан ҳуқуқбузар, деб топди. Унга шу модда билан мазкур кодекснинг 33-моддасини қўллаб, жарима жазоси белгилади.

Шунингдек, Зафаробод тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри ходимлари томонидан ўтказилган мониторинг жараёнида туманнинг 87-контурида фуқаро Қ.Эргашев бир гектар ер майдонини ҳеч бир ҳужжатсиз ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани ва кунгабоқар ўсимлиги экканлиги аниқланди. Бу ҳақда мутахассислар томонидан далолатнома тузилди.

Судда Қ.Эргашевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси асосида юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. Суд ҳуқуқбузарга нисбатан жарима жазоси белгилаб, давлат фойдасига ундирди.

Хулоса қилиб айтганда, табиий захиралар — умуммиллий бойлик, улар давлат муҳофазасида. Улардан оқилона фойдаланилса, нафақат ўзимизга, балки келажак авлодларга ҳам хизмат қилади.

Фазлиддин ПАРДАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Арнасой тумани судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳалолликда

Бой ҳаётий тажрибага эга кексалар билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, улар, одатда, ҳалолликда, пешона тери тўкиб, меҳнат қилишда ҳикмат кўплигини албатта, таъкидлашади. Аслида ҳам шундай. Ҳаётда ҳалол меҳнат қилган, доимо эзгу ва савоб ишларга бош қўшган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Айниқса, ҳалол меҳнат ортидан топилган нонинг ширинлигини ҳеч бир неъматга қиёслаб бўлмайди. Энг муҳими, ҳалол меҳнат умримизга мазмун бағишлаб, кўнгил хотиржамлигини таъминлайди.

Афсуски, турмушда баъзан ана шу ҳикматнинг маъносини тушуниб етмайдиган, устига-устак, нафс қутқусида ўзгалар ҳақига кўз олайтиришдан ҳам тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, Моҳичеҳра Эрназарова (исм-шарифлар ўзгартирилди) Янгиер шаҳридаги Абдураҳмон Жомий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида котиба лавозимида туппа-тузук фаолият юритиб келарди. У маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган нафақа тайинлаш комиссиясининг аъзоси ҳам эди. Шу боис маҳалла фуқаролар йиғинига фуқаролардан келган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, кам таъминланган, икки ёшгача боласи бор, ишламайдиган ҳамда ўн саккиз ёшгача боласи бўлган оилаларга нафақа тайинлаш, уларга тўланадиган ёрдам пулини ҳисобга олиб бориш каби вазифалар унинг зиммасига юклатилганди.

Маълумки, юртимизда кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлашнинг аниқ тартиб-таомили ишлаб чиқилган. Маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ана шу тартиб-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлаши керак. Аниқроқ айтганда, нафақа тайинлашни сўраб, мурожаат этган фуқаронинг аризаси расмийлаштирилгач, унинг моддий ва мулкий аҳволи комиссия аъзолари томонидан ўрганилади ҳамда бу ҳақда далолатнома тузилади. Далолатнома комиссия аъзоларининг имзоси билан тасдиқланади. Шундан сўнг нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Албатта, бу борада адолат талабига таяниб иш тутилса, маҳалла фуқаролар йиғини масъул ходимлари ижтимоий таъминот олишга муҳтож оилаларни аниқлаб, одиллик ва ҳалоллик билан зиммасидаги вазифаларини амалга оширса, табиийки, биронбир муаммога ўрин қолмайди. Аксинча, ҳалолликдан чекиниш, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатларини рўйхатга олишда таъмагирликка йўл қўйиш — қонунга зид қилмиш, яъни жиноят ҳисобланади.

М.Эрназарова айнан шундай қилмишга қўл урди. Гап шундаки, у котиба бўлиб ишлаётган маҳаллада Г.Танибекованинг оиласи кам таъминланган оилалар сирасига киради. Г.Танибекованинг келини Н.Режабова 2011 йил 16 августда туғилган фарзандининг моддий таъминоти учун ижтимоий ёрдам тариқасида нафақа олиш ҳуқуқига эга. Шу боис Г.Танибекова набирасига нафақа тайинлашни сўраб, М.Эрназаровага мурожаат қилади.

Qonun ijodkorligi

Инсонпарварлик тамойили

унинг қонуний асослари янада мустаҳкамланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу мақсадда жиноий жазо тизими тубдан ислоҳ қилиниб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши билан бирга соҳага оид қонунчилик янада такомиллаштирилиб борилмоқда.

Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасида суд жарима тариқасидаги жазони тайинлаган шахсга қамоқда сақлаш муддатини ҳисобга олиш тартибини белгилаш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти ва қасддан унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо суд томонидан озодликдан маҳрум қилишга алмаштирилган маҳкумлар учун тайинланган жазони манзил-колонияларда ўташ тартибини белгилаш назарда тутилган.

Шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб, яна қасддан янги содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, бу жазо суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахслар учун жазони қаттиқ режимли колонияларда ўташ тартибини белгилашни кўзда тутувчи тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни қонунчиликка киритиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг айрим меъёрлари ўзбек ва рус тиллардаги матнлари ўзаро мувофиқлаштирилмоқда.

Айни вақтда Жиноят кодексида суд томонидан жарима жазоси тайинланган тақдирда, дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш тартиби кўзда тутилмаган. Бу эса, шундай категориядаги шахсларга жарима тариқасидаги жазо тайинлашда дастлабки қамоқ вақти ҳисобга олинмаслигига олиб келади.

Қайд этиш жоизки, чет эл қонунчилигида қамоқда сақланган маҳкумга жарима тариқасидаги жазони тайинлашда, қамоқда сақлаш муддатини ҳисобга олган ҳолда тайинланган жазони енгиллаштириш ёки бутунлай ундан озод қилиш тартиби белгиланган.

Таклиф этилаётган жарима тариқасидаги жазони ҳисоблашда дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш тартибининг қабул қилиниши, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва одиллик принципларига тўлиқ мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонунчиликдаги мавжуд айрим зиддиятларни бартараф қилиш имконини беради. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларини ҳамда жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигининг ҳуқуқий нормаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мавлуда АЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Burch va mas`uliyat

Солиқ мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Пировардида юртимизда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун кенг имконият ва қулайликлар яратилди.

Албатта, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўзлари учун яратилган имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланиш билан бирга зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни ҳам ўз вақтида бажариши лозим.

Бироқ ҳаётда баъзан зиммасидаги мажбуриятларни бажаришга масъулиятсизлик билан қарайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Мисол учун Ш.Ўринов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2012 йилда қонуний рўйхатдан ўтиб, "Real kommision trade" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этади. Аввалига чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиб, асосан хориждан келтирилган маҳсулотларни сотиш орқали дурустгина даромад олган Ш. Ўринов негадир бундан қаноатланмайди. У янада кўпроқ пул топиш илинжида ўзи раҳбарлик қилаётган корхонанинг ҳисобчиси Р.Акобиров номидан солиқ инспекциясига ҳисоботлар топширади ва уларга сохта маълумотлар киритиб, солиқ солинадиган базани камайтириб кўрсатади. Бунинг оқибатида у 41.347.700 сўм миқдоридаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоботлардан яшириб қолади.

Солиқ идораси ходимларининг корхонада олиб борган текширувлари чоғида Ш.Ўриновнинг бу кирдикорликлари очилиб қолди. Шу боис у қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришга тўғри келди. Жиноят ишлари бўйича туман суди Ш.Ўриновнинг жиноий қилмишини атрофлича ўрганиб чиқиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Мухтасар айтганда, солиқларнинг ўз вақтида тўланиши бу, аввало, ижтимоий, тиббий соҳаларни изчиллик билан ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш имконини беради. Шундай экан, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлашни унутмайлик.

Ф.СОБИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Farmon va ijro

Қулай ишбилармонлик муҳити – тараққиёт асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ҳам тадбиркорлик субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлиши учун етарлича муддатга эга бўлишига имконият яратади.

Фармонга асосан, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини ва рентабеллигини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга қўлланилган мораторий 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди. Бу ҳам тадбиркорлар учун яратилган яна бир қулайлик ва имтиёз ҳисобланади.

Шунингдек, Фармонга асосан, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлари, хусусан, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати бўйича кичик корхоналар ишчиларининг чекланган ўртача йиллик сонини 200 кишига кўпайтириш белгиланди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим этмаслик ва уларнинг кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш давлат солиқ хизмати органлари томонидан фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилиши белгиланди.

Фармонга асосан, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, кичик тадбиркорлик субъектлари статистика ҳисоботларини йилда бир маротаба тақдим этадилар.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида, 2014 йил 15 апрелда Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга асосан 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги айрим лицензияланадиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг алоҳида турлари бекор қилинди. Шунингдек, фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш характерига эга тартиботларни расмийлаштиришнинг муддатлари ва йиғимлари миқдори қисқартирилди. Бундан ташқари, рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни ва лицензияларни олиш тартиботлари янада қисқартирилди ва соддалаштирилди.

Қарорга асосан, 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига "бир дарча" тамойили бўйича электрон шаклда қуйидаги жараёнларни, яъни тадбиркорлик субъектларининг уларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритишга доир талабномаларини кўриб чиқиш учун Иқтисодиёт вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этиш, миллий валютада бир йилгача бўлган муддатга кредит олишга доир ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига тақдим этишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тартиб ўрнатилди.

Қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари моҳияти Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларига етказилиши билан бирга, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини яхшилаш мақсадида, жойларда доимий тарзда ўрганиш ишлари олиб бормоқда.

Айтиш керакки, ўз ҳуқуқини яхши билган тадбиркор ўз бизнесини қонун ҳужжатлари асосида ташкил этади. Шу боис тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий таъминлаш, яъни уларга соҳага оид қонун ҳужжатлари акс этган адабиётларни етказиш, очиқ мулоқотлар, учрашув ва семинарлар орқали тадбиркорлар билимини ошириш масаласига адлия бошқармаси томонидан доимий эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2014 йилнинг ўтган даврида элликдан ортиқ тарғибот ишлари олиб борилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Бундан ташқари 2014 йилнинг биринчи чорагида адлия бошқармасига жами 119 та, шундан "Ишонч телефони"га 36 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 62 таси ёки 52 фоизида важлар ўз исботини топганлиги сабабли қаноатлантирилиб, тадбиркорлар ва фуқароларнинг қонуний манфаатлари таъминланди.

Шунингдек, 28 нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тегишли судларга таклиф киритилди, 63 нафар шахс эса, интизомий жазо чораларига тортилди. Судларга 209 та 1,4 миллиард сўмлик даъво аризаси киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу йўналишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаган ҳолда амалда тўлиқ ва бир хилда ижросини ташкил этиш — барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг устувор вазифаси ҳисобланиб, бу амалда изчил таъминланмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.

Ҳамидулло САЪДУЛЛАЕВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

тарафларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифни иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейингина таклифда кўрсатилган ёки қонун ёки шартномада белгиланган муддатда судга тақдим этиши мумкин.

Масалан, даъвогар К.Раҳимов ўзига тегишли Гулзор кўчасидаги 14-уйнинг 17-хонадонини жавобгар Р.Пўлатовга 2010 йил 19 августда нотариал тартибда тасдиқланган ижара шартномасига асосан уч йил муддатга ижарага беради. Шартноманинг 3.2-бандида ижарачи ҳар уч ойда бир марта 300.000 сўмдан ижара ҳақини тўлаб туриши қайд этилган.

Аммо жавобгар Р.Пўлатов фақат икки марта, жами 600.000 сўм миқдорида ижара ҳақи тўлаган. Орадан маълум муддат ўтгач, даъвогар К.Раҳимов ижарага топширилган хонадонга сув тошиши натижасида уйдаги жиҳозларга зарар етгани ва бундан қўшни хонадон ҳам шикаст кўрганидан хабар топади. Бу ҳақда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, қўшнилар ва жавобгар Р.Пўлатов иштирокида далолатнома тузилади. Мутахассисларнинг берган маълумотномасига кўра, жавобгарнинг айби билан қўшни хонадонда истиқомат қилувчи Ю.Собировага 1.600.000 сўмлик ва даъвогар К.Раҳимов хонадонига эса, 500.000 сўмлик зарар етган.

Шундан сўнг даъвогар К.Раҳимов жавобгар Р.Пўлатовга 2013 йил 1 июлга қадар Ю.Собировага етказилган зарар ва ижара ҳақини тўламаган тақдирда, шартномани бекор қилишни сўраб, судга мурожаат қилишини айтади.

Бироқ бу муддатда Р.Пўлатов келтирилган зарар ва ижара ҳақини тўлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Шундан сўнг даъвогар К.Раҳимов жавобгар Р.Пўлатовга нисбатан ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ва ижара ҳақини ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Суднинг 2013 йил 23 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар К.Раҳимовнинг даъвоси қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида имзоланган ижара шартномаси бекор қилинди. Шунингдек, даъвогар К.Раҳимов фойдасига жавобгар Р.Пўлатовдан 1.700.000 сўм миқдорида тўланмаган ижара ҳақи ундирилиши таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қонун доирасида тузилган шартнома тарафларнинг манфаатларини таъминлаши баробарида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турли низолар келиб чиққан тақдирда эса, уни суд тартибида адолатли ҳал этиш имконини беради.

Р.ХУДАЙБЕРГАНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг судьяси

Ҳикмат бор

қинғир иш эса, бошни эгади

Айтиш керакки, Г.Танибекованинг нафақа сўраб қилган мурожаати Адлия вазирлигидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатдан ўтган "Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунича парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига тўлиқ мос эди. М.Эрназарова Г.Танибековага нафақа пули олиш учун тақдим қилинувчи ҳужжатлар рўйхатини беради.

Г.Танибекова икки-уч кунда ҳужжатларни тайёрлагач, яна котибанинг ҳузурига келади. Бу гал М.Эрназарова унга "Рўйхат тўлиб қолди, уч ойдан кейин келинг, ўшанда ўзингиз билан юз минг сўм пул олиб келинг" дея жавоб беради.

Унинг бу гапини эшитиб Г.Танибекованинг боши қотади. У ўйлай-ўйлай бир пайтлар маҳаллага раҳбарлик қилган Д.Давроновдан маслаҳат сўрайди. Ўз навбатида, Д.Давронов М.Эрназаровадан Г.Танибековага ёрдам беришни илтимос қилади. Афсуски, М.Эрназарова унинг илтимосини ҳам инобатга олмайди. Д.Давронов Г.Танибекова берган юз минг сўмни М.Эрназарованинг қўлига тутқазади. Шундан сўнг Г.Танибекованинг набирасига нафақа пули тайинланади.

Орадан кўп ўтмай тайинланган нафақа муддати тугайди. Нафақа тўлаш муддатини янгилаш керак эди. Г.Танибекова яна М.Эрназаровага мурожаат қилганда, у яна таъмагирлик йўлини тутади. Унинг гапини эшитиб, онахон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Шундан сўнг таъмагирлик йўлини тутган М.Эрназарованинг қилмишига нуқта қўйилди.

Шу йилнинг 19 апрел куни Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми билан айбланиб судга ўтказилган М.Эрназаровага тегишли жиноят иши вилоят судининг очиқ суд мажлисида мазмунан кўриб чиқилди. Суд судланувчи М.Эрназаровани Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топди ва мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум этиб, олти йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, амалдаги қонунларимизда инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган. Бунга М.Эрназаровага тегишли жиноят иши судда кўриб чиқилаётганда ҳам тўлиқ гувоҳ бўлиш мумкин.

Чунки суд судланувчининг аёллигини, оилалигини, қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини, қарамоғида иккинчи гуруҳ ногирон онаси борлигини инобатга олди ва Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланган жазони шартлига алмаштириб, уч йил синов муддати белгилади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: М.Эрназарованинг бошига тушган бу кўргуликка ким сабабчи? Албатта, унинг ўзи. У таъмагирлик йўлини тутмай ўзига билдирган ишончни ҳалол меҳнати билан оқлаганда, виждонан фаолият юритганда, бугун юзшувут бўлиб қолмасди.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: бу ҳаётда инсонга фақат ҳалол меҳнати, эзгу ва савоб ишлари обрў-эътибор олиб келади. Қинғирлик, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилмаслик эса, кишини юзшувут қилади.

Шухрат ҚЎЧҚОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

2014-yil — Sog`lom bola yili

Меҳр оғушидаги болалар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги эзгу ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Яқиндагина "Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!" ҳафталиги доирасида санъат фестиваллари, ижодий танловлар, кўргазмалар, викториналар, спорт мусобақалари ўтказилди.

— Маҳалламизда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш доимий асосда йўлга қўйилган, — дейди Юнусобод туманидаги "Қўшчинор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулираъно Аҳмедова. — Расм, чеварлик, бисер тўқиш, нақкошлик, ёғоч ўймакорлиги, шахмат-шашка, стол тенниси каби тўгараклар фаолиятининг кенг йўлга қўйилгани болаларнинг ёзги таътилни қизиқарли ва мароқли ўтказишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол вояга етиши, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида кўплаб амалий ишлар изчил давом эттирилаётгани ўғил-қизларни ёзги таътил даврида соғломлаштириш жараёнида ҳам ўз ифодасини топаётир. Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйишда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Дам олиш мавсуми 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан бошланди. Жорий йилда мамлакатимиздаги оромгоҳларда 281 мингдан зиёд бола ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган. Бу ўтган йилга нисбатан 12 минг нафар кўпдир. Жумладан, 214 та стационар оромгоҳда 147 минг 622 нафар ўқувчи, 739 та кундузги оромгоҳда 134 минг 270 нафар бола соғломлаштирилиши кўзда тутилган. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида 30 минг 700 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларини жамоа шартномалари ва келишувлари орқали имтиёзли йўлланма билан таъминлаш белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар ўғил-қизни Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда имтиёзли асосда соғломлаштириш кўзда тутилган. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликда маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини имтиёзли дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда икки минг нафар бола оналари билан бирга саломатлигини мустаҳкамлайди.

Шу мақсадда мамлакатимиздаги барча оромгоҳлар мавсумга тўлиқ шай ҳолатга келтирилиб, улар зарур мебель ва жиҳозлар, техник ускуналар, тегишли қўлланма ва зарур воситалар, бадиий адабиётлар, даврий нашрлар билан таъминланган.

Бу йилги дам олиш мавсумида 15 интеллектуал ривожлантириш, 14 экологик-биологик, ўлкашунослик, 14 техник ижодкорлик, Меҳрибонлик ва махсус мактаб-интернатларининг ўқувчилари учун 11 ижтимоий мослашув оромгоҳи, 14 бадиий ижодиёт йўналишидаги оромгоҳ ҳам болаларни ўз бағрига олади. Мазкур ихтисослашган оромгоҳларнинг ўқув-тарбиявий дастури қайта кўриб чиқилиб, чет тиллари бўйича тўгарак машғулотлари дастурлари кенгайтирилди.

Бу борадаги амалий ишларга тўхталадиган бўлсак, Хоразм вилоятидан 350 нафар ўғил-қиз Тошкент марказий темир йўл вокзалида тантанали кутиб олиниб, пойтахт вилоятининг Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги "Бойчечак" ҳамда "Меҳржон" оромгоҳларига дам олиш учун жўнаб кетди. Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан маълум қилишларича, ҳудуддаги мавжуд 20 та болалар оромгоҳида 13 минг 450 нафар, халқ таълими тизимидаги ўқув масканларида ташкил этилган кундузги дам олиш масканларига 17 минг нафар ўқувчини қамраб олиш кўзда тутилган.

Андижон вилоятида ҳам ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсуми юқори даражада ташкил этиш кўзда тутилган. Вилоятда болалар оромгоҳлари, сиҳатгоҳлар, соғломлаштириш масканлари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, дам олиш масканларига, аввало, чекка ҳудудлардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини жалб этиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жорий мавсумда вилоятдаги 14 та шаҳар ташқарисидаги ва 42 та кундузги оромгоҳда 21 минг 550 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган.

Буларнинг барчаси ҳар томонлама етук ва соғлом фарзандларни камолга етказишга хизмат қилади. Ҳар томонлама чиниққан, билими, тафаккури янада кенгаяётган бундай болалар элюртига меҳрли, унинг келажаги учун муносиб бўлиб вояга етади.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

G`aroyib olam

Ҳаётда ажабтовур воқеа-ҳодисалар ҳамиша одамларнинг эътиборини тортиб келган. Шу боисдан ҳам азал-азалдан инсонлар теварак-атрофда рўй бераётган ҳайратомуз ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаб етишга интилиб келган.

Биз билган ва билмаган дунё

Масалан, табиатда ботқоқ жойлар ва ўрмонларда ҳашаротлар билан озиқланадиган антиқа ўсимликлар тури мавжуд бўлиб, уларнинг тузоғига илинган ҳашарот борки, омон қолмайди. Чунки улар ярқироқ ранги ва хушбўй ифори билан чумоли ёхуд бошқа жонзотларни ўзига жалб этиб, ундан зарур озиқ сифатида фойдаланади.

Аслида беозор ҳисобланган ўсимликлар ичида бундай ғаройиб ҳашаротхўрларнинг учраб туриши ўтмишда, наботот олами ҳали яхши тадқиқ этилмаганлиги туфайли, кишиларни ваҳимага солган. Натижада турли уйдирмалар пайдо бўлган. Масалан, ўтган асрда одамлар тропик чангалзорларда ҳайвонларни ямламай ютувчи мудҳиш ўт-ўланлар, дарахтлар бор деб ишонишган. Аслида эса, ҳашаротхўр ўсимликлар унчалик катта эмас ва улар майда ҳашаротлар билан озиқланади, холос.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бундай ўсимликлар фанга маълумми? Агар улар чиндан-да, мавжуд бўлса, унда қай тарзда ҳашаротларга ҳамла қилади?

Аниқланишича, ҳашаротхўр ўсимликлар — одатдаги озиқланишдан ташқари яна айрим ҳашаротларни тутиб, улардан қўшимча озуқа манбаи сифатида фойдаланадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар гуруҳига киради. Фанда ҳашаротхўр ўсимликларнинг 500га яқин тури маълум бўлиб, у ер юзининг чучук сув ҳавзаларида, доимий ботқоқликларда, янаям аниқроқ айтганда, асосан таркибида азотли бирикмалар, калий, фосфор каби минераллар камчил тупроқларда ўсади ва табиий заурат юзасидангина ҳашаротлар билан озиқланади. Бундай ўсимликларда жонли ўлжасини тутиш учун махсус мосламалар бор. Албатта, ўсимликларнинг ҳашаротларни ўзига жалб қилиш йўллари жуда кўп, аммо шуниси ажабланарлики, барча ҳолларда бу ўсимликлар гули ҳеч қачон тузоқ вазифасини ўтамайди. Бу ишни унинг барглари бажаради. Тузоқ — япроқларнинг шакли хилма-хил бўлиб, баъзи барглар ёпишқоқ толалар билан қопланганлиги боис уларга яқин келган ҳашаротлар худди елимлагандек ёпишиб қолиб, қутулиб кета олмайди. Натижада ўсимлик ушланган ҳашоратларни барг безчалари ажратган махсус суюқлик орқали "эритиб" парчалайди ва ҳазм қилади.

Бундан ташқари тузоғи илон бошини эслатувчи ўсимликлар ҳам бор. Чунончи, АҚШнинг Калифорния ва Орегон штатларида ҳам шу хилдаги ўсимликлар кўплаб учрайди. Шулардан бири "кобра" деб аталади. Шунингдек, оғзи силлиқ кўзачага ўхшаган тузоқли ҳашаротхўрлар ҳам бўлиб, ҳашарот ўсимлик баргининг бир четига қўнса бўлди, худди яхмалак отгандек сирпаниб, унинг ғовак ичига тушиб кетади. Баъзи ҳашаротхўрларнинг барги чиғаноққа ўхшаб очилиб-ёпилиб туради.

Яқинда бир гуруҳ мутахассислар қатор тажрибалар ўтказишиб, фақат ҳашаротлар ҳисобига озиқланадиган ва сунъий равишда углерод ишлаб чиқариш имкониятидан маҳрум этилган ўсимликлар нормал ўсишдан қолишини аниқлашди. Масалан, қоронғи жойда ўстирилиб, ҳашаротлар билан сийлаб турилган ўсимликларнинг вазни ёруғликда етарлича ўсган, лекин қурт-қумурсқа билан "боқилган" ўсимлик вазнидан анча-мунча енгил чиққан. Демак, уларнинг меъёрида ривожланиши учун ҳашаротлардан ажратиб олинган углерод камлик қилар экан, айни пайтда табиий фотосинтез ҳодисаси кечиши ҳам ўта зарур. Бу жараённинг тўлиқ кечиши эса, ҳашаротхўр ўсимликларнинг ривожланишини оддий ўсимликларга қараганда дурустроқ таъминлайди. Хўш, бу афзалликлар нималардан иборат?

Мазкур саволга жавоб беришдан аввал улар қандай жойларда ўсишига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Маълум бўлишича, бундай ўсимликлар кўпроқ озиқ моддаларга бой бўлмаган тупроқлар — ботқоқликларда ўсгани боис ҳашаротхўрларнинг илдизи фаолсизлик туфайли ўз аҳамиятини йўқотиб қўяди. Натижада ҳашаротхўр ўсимликлар тупроқда етишмаётган ҳаётий зарур минерал моддаларни тутиб олинган ҳашаротлардан "тортиб олиши"га тўғри келар экан.

Яна шундай ўсимликлар ҳам борки, уларга тегиш умуман мумкин эмас. Масалан, Бельгияда ўсувчи "гўсса дарахти"га тегиб кетган жонзот икки сутка ичида қўққисдан нобуд бўлиши ҳалигача жумбоқлигича қолмоқда. Африканинг жанубий қисмида жойлашган чангалзорларда эса, "қонли дарахт" ўсади. Айтиш жоизки, бу дарахт ҳашаротхўрлар туркумига кирмайди, бироқ унинг бирор устки қисмига тиғ теккудек бўлса борми, шу заҳотиёқ кесилган жойдан қизил рангли қонсимон суюқлик оқа бошлайди. Бу антиқа дарахтнинг қизил рангидан маҳаллий аҳоли табиий бўёқ сифатида ҳам фойдаланишади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА таҳрирлади.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ўтказилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг танлов савдоси натижалари:

2014 йил 5 май куни
Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган танловда

Бухоро шаҳар Моҳи Хоса кўчасидаги ҳунармандчилик мажмуаси ва уй-жой қуриш учун 400.0 кв.м.дан иборат бошланғич қиймати 247 856 сўмдан бўлган 1-сон ер участкаси 20 000 000 сўмга,

2-сон ер участкаси 45 000 000 сўмга,

3-сон ер участкаси 50 000 000 сўмга,

4-сон ер участкаси 30 000 000 сўмга,

5-сон ер участкаси 40 000 000 сўмга;

Бухоро шаҳар "Шайхон" кўчасидаги ҳунармандчилик мажмуаси ва уй-жой қуриш учун 380.0 кв.м.дан иборат бошланғич қиймати 235 463 сўмдан бўлган 1-сон ер участкаси 47 000 000 сўмга,

2-сон ер участкаси 45 000 000 сўмга,

3-сон ер участкаси 49 000 000 сўмга,

4-сон ер участкаси 45 000 000 сўмга,

5-сон ер участкаси 48 000 000 сўмга сотилди.

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ўтказилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг танлов савдоси натижалари:

2014 йил 14 апрел куни Бухоро шаҳрида ўтказилган танловда Когон шоссеси ва Шарқ-1 мавзеси ҳудудидан тўрт қаватли кўп хонадонли турар-жой биноси қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв.м.дан иборат бошланғич қиймати 338 920 сўмдан бўлган ер участкаси 6 000 000 сўмга сотилди.

"BUXORO SAVDO ZAMIN" МЧЖда ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома

"BUXORO SAVDO ZAMIN" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ўтказилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг танлов савдоси натижалари:

2014 йил 22 апрел куни Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган танловда Газли шоссеси ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун 225.0 кв.м.дан иборат бошланғич қиймати 190 643 сўмдан бўлган ер участкаси 6 000 000 сўмга сотилди.

Ҳаётда инсонни тўғри йўлдан адаштирадиган, уни турли хил кулфатларга дучор қиладиган иллатлардан бири бу гиёҳвандликка ружу қўйишдир. Чунки гиёҳвандлик инсон соғлиғига путур етказибгина қолмай жамият барқарорлигига ҳам жиддий хавф туғдириши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу боис бу иллат узоқ йиллардан буён дунё жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солиб келмоқда.

Jinoyat va jazo

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Айниқса, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асосларнинг яратилгани амалда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, мамлакатимиз гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний олди-сотдисига қарши ҳамжиҳатликда курашиш мақсадида БМТнинг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясини ратификация қилган.

Шунингдек, 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 270-276-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Юртимизда бу иллатга қарши қатъий чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай нафсига қул бўлган айрим кимсаларнинг бу разолатга қўл ураётгани кишини таажжубга солади.

Мисол учун айтганда, яқинда жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир туман судида Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилган И.Ҳакимов (исм-шарифлар шартли), Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган М.Алиев ва С.Тошевга тегишли жиноят иши суд мажлисида кўриб чиқилди.

Буёғини сўрасангиз, И.Ҳакимов тавбасига таянмайдиганлар хилидан чиқиб қолди. Нега деганда, у муқаддам гиёҳвандлик воситалари олди-сотдисига қўл ургани учун суднинг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ўтаб, бундан ўзига тўғри хулоса чиқариш ўрнига, аксинча, яна шундай қилмишни содир этди. Аниқроқ айтганда, у 2013 йил 13 сентябрь куни соат тахминан 22.00 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан "Саримой ЙПХ" масканида ўтказилган тезкор тадбир давомида "Бухоро-Хоразм" йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган автомашинада вазни 20.65 грамм кўп миқдордаги "героин" гиёҳвандлик воситасини келгусида сотишни кўзлаб, ичига ютганча, олиб келаётгани аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов жараёнида олинган тезкор маълумотларга асосан ўтказилган тадбир жараёнида Сурхондарё вилоятида яшовчи фуқаролар М. Алиев ва С.Тошев осон даромад топиш мақсадида олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2013 йил 2 октябрь куни соат тахминан 17.00 ларда Денов туманидаги чойхонада назоратли харид тадбирига жалб қилинган ИИБ ходимига целлофан пакетдаги вазни 218.15 грамм бўлган кўп миқдордаги "героин" гиёҳвандлик воситасини 6000 АҚШ долларига сотаётган пайтда қўлга олинди.

Суд тергови давомида аниқланган ҳолатларга асосан судланувчиларнинг айби тўлиқ ўз тасдиғини топди. Суд ҳукмига асосан жиноятчиларга қонуний жазо тайинланди.

Албатта, юқорида номлари қайд этилган кимсаларнинг қора қилмишига ўз вақтида барҳам берилмаганда, унинг асорати оғир кечиши тайин эди. Чунки гиёҳвандлик инсон умрини издан чиқариши, оилалар тинчлигига путур етказиши, турли хил жиноий қилмишларнинг кўпайишига йўл очиши билан ўта хавфли саналади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, жамиятда турли иллатларга йўл қўймаслик тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир. Бу, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Музаффар САМАНДАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир тумани судининг раиси вазифасини бажарувчи

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Шоюнус ГАЗИЕВ, Икром МУСЛИМОВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Арислон УСМАНОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-625. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7286.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰